Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлигининг
2020 йил “0 ноябрдаги
23-2020-ққ - сонли,

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлигининг
2020 йил 10 ноябрдаги
49ққ - сонли Қарорига
1-ИЛОВА

Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини касбга тайёрлаш бўйича “Касб-ҳаёт учун” онлайн танлови тўғрисида Низом

I. Умумий қоидалар

1. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини касбга тайёрлаш бўйича “Касб-ҳаёт учун” онлайн танлови тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда – “Низом” деб юритилади) умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини касбга тайёрлаш юзасидан ўқув қўлланмалар ишлаб чиқиш бўйича онлайн танлови (кейинги ўринларда танлов деб аталади)ни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Танлов Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабтлари вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилади.

3. Танловда муаллифлар (ҳуқуқ эгалари) касбга тайёрлаш юзасидан ўқув қўлланмалар билан қатнашишлари мумкин.

4. Танловга тайёргарлик ва уни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги мутахассисларидан иборат Танлов ташкилий қўмитаси ташкил қилинади.

5. Танловга тақдим қилинган ишларни баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Халқ таълими мутахассисларидан иборат Танлов ташкилий қўмитаси ва ўқув қўлланмаларнинг экспертизадан ўтказиш учун 5 нафардан иборат экспертиза комиссияси аъзолари таркиби шакллантирилади.

6. Танлов ташкилий қўмитасининг экспертиза комиссияси аъзолари таркиби (кейинги ўринларда Экспертиза комиссияси деб аталади) Танлов ташкилий қўмитаси томонидан тасдиқланади.

7. Экспертиза комиссиясининг хулосаси якуний ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади ҳамда улар бўйича маълумот ва изоҳлар берилмайди.

8. Танлов ташкилий қўмитаси ва унинг Экспертиза комиссияси аъзолари танловга аризаларни бериш ҳуқуқига эга эмас.

9. Танлов ташкилий қўмитаси танлов ўтказиш шартлари ва муддати ҳамда ғолибларни рағбатлантириш тўғрисида кенг оммани хабардор қилади, танлов якунлари бўйича ғолибларга хабар беради, оммавий ахборот воситалари орқали танлов натижаларини эълон қилади.

10. Танловни ўтказишнинг асосий мақсади:

а) ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда самара берадиган муқобил методларни ҳамда технологияларни аниқлаш;

б) меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касблар бўйича етарли билим ва кўникмаларни шакллантирадиган ўқув қўлланмалар яратиш;

с) ўқувчиларнинг мустақил касб эгаллашларига қизиқиш уйғота оладиган методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

II. Танловга ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

11. Танлов иштирокчилари талабгорлари мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда иштирок этиш учун ариза.

12. Танловда иштирок этиш учун аризалар ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касблар, яъни жорий ва истиқболдаги касбларни ўқувчи-ёшларга ўргатишга қаратилган ўқув қўлланмаларни 2020 йилнинг 15 декабрига қадар q.alimardonov@xtv.uz электрон манзилга юборилади.

13. Кўриб чиқиш учун қабул қилинган ариза ва қўлланмалар танлов иштирокчиларига қайтарилмайди ҳамда уларга тақризлар берилмайди.

III. Танловни ўтказиш тартиби

14. Танлов жисмоний ва юридик шахслар ўртасида ўтказилади.

15. Танлов бир босқичда ўтказилади ва жорий йилнинг 20 декабрига қадар ғолиблар эълон қилинади.

16. Белгиланган муддатда эпектрон манзилга юборилган ўқув қўлланмалар ишчи гуруҳ томонидан белгиланган баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

17. Белгиланган муддатдан кейин юборилган ўқув қўлланмалар баҳоланмайди.

18. Ўқув қўланмалар қуйидаги мезонлар асосида саралаб олинади:

а) ўқув қўлланма “Times new Roman” шрифт, 14-кеглда ёзилганлиги ва танланган расмларнинг мавзуга мос бўлиши;

б) ўқув қўлланмада меҳнат бозорида талаб юқори бўлган камида 5 та замонавий касбларга йўналтириш бўйича методик тавсиялар бўлиши;

с) ўқув қўлланмада акс эттирилган касбларнинг долзарблиги, мазмун ва моҳияти тушунарли ҳамда содда тилда қисқача баён этилганлиги.

19. Тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида ўқув қўланмалар Ишчи гуруҳ томонидан баҳоланади ва 3 нафар (1-, 2-, 3-ўринлар) ғолиблар аниқланади.

20. Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабтлари вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги расмий веб-сайтида эълон қилинади.

IV. Танлов ғолибларни мукофотлаш тартиби

21. Совринли 1-3 ўринларни эгаллаган танлов ғолиблари қуйида кўрсатилган бир марталик миқдордаги пул мукофотлари билан тақдирланадилар:

1-ўрин учун – 7 000 000 сўм;

2-ўрин учун – 5 000 000 сўм;

3-ўрин учун – 3 000 000 сўм.

V. Якуний қоидалар

22. Танлов натижаларига кўра қатнашчиларининг шикоят ва аризалари 1 кун ичида қабул қилинади ва ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади.

23. Зарур ҳолларда мазкур Низомга ўрнатилган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

24. Тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича маълумотлар кўрик-танловнинг махсус сайтида ёритиб борилади.